**Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда шартномаларнинг аҳамияти юксакдир. Кейинги пайтларда республика раҳбарияти ушбу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири республика Адлия вазирининг ўринбосари Б. Мирбобоев билан суҳбатлашди.**

# КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

**— Бахтиёр Шамсуддинович, бозор муносабатлари шаклланиб бораётган ҳозирги пайтда бу жараённинг зарур шарти — контрактация шартномаларининг аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Маълумки, ҳозирги даврда Ўзбекистон олдида турган юксак вазифа — бозор иқтисодиётига асосланган янги ижтимоий тузум барпо этишдир. Шунинг учун ҳам республикамизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шакллари вужудга келгани ҳамда аввалги, марказдан белгилаб қўйиладиган режали бошқарувнинг бекор бўлиши натижасида корхоналар ўртасидаги муносабатлар тенглик принципи асосида қурилмоқда. Улар ўзаро муносабатларга мустақил равишда киришадилар.

Шунинг учун бугунги кунда корхоналар ўртасидаги муносабатларда шартномаларнинг роли ошиб бормоқда. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик муносабатлари шартнома асосида қурилади.

Республикамиз Президенти белгилаб берган асосий тамойиллардан бири қонун устиворлигидир. Шартнома ҳам ҳуқуқий ҳужжат бўлгани ҳамда амалдаги қонунлар асосида тузилиши сабабли, ана шу қонун устиворлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Амалда эса жойлардаги кўпчилик раҳбарлар, корхоналар, айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналари шартноманинг моҳиятини тушуниб етмаяптилар. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «Бизда шартномалар мазмун-моҳиятига кўра хўжакўрсинга тузилиши анъанага айланиб қолмоқда».

Маълумки, шартномаларнинг асосий мақсади фойда олиш бўлиб, қонунчиликда шартномавий мажбуриятлар бажарилмагани учун қатъий жавобгарлик белгиланган. Хўжалик шартномалари бўйича низоларни ҳал қилишнинг алоҳида тартиби мавжуд. Яъни, улар хўжалик судларида ёки ўзаро келишувга биноан бошқа ҳакамлик судларида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади. Тўғри, шартномалар корхоналар томонидан мустақил равишда тузилади. «Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига асосан корхоналар нима ҳақида шартнома тузишни танлашда мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг қонунларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндирлар. Лекин амалда корхоналарнинг шартнома тузиш фаолиятида бир қанча камчилик ва тушунмовчиликлар содир бўлмоқда. Хусусан, айрим шартномаларни тузишда тарафлар унинг асосий шартларига эътибор беришмайди, уларда мажбуриятлар бўйича жавобгарлик белгиланмайди, жарима санкциялари кўрсатилмайди. Баъзи шартномаларда маҳсулот етказиб бериш графиги, маҳсулот нархи ёки шартномани ижро қилиш муддати ҳам кўрсатилмаган. Айниқса, тўлов интизоми сусайтириб юборилган.

Ачинарлиси шундаки, баъзи шартномаларнинг амалдаги қонунчиликка зид ҳолда ёки нотўғри тузилиши натижасида корхоналар зарар кўрмоқда. Тузилаётган шартномалар бўйича мажбуриятларни умуман бажармаслик ёки чала бажариш ҳоллари ҳамда ўзаро низо ва келишмовчиликлар тез-тез учраб турибди. Бу эса ўз навбатида республика иқтисодиётига ҳам таъсир қилади. Шартнома, унинг ҳамма асосий бандлари тўғрисида тегишли ҳолларда талаб қилинган шаклда, тарафлар ўзаро келишганларидагина ҳақиқий бўлади. Шартноманинг қонунда асосий деб белгиланган, шунингдек, тарафларнинг бири томонидан таклиф қилиниб, келишилиши лозим бўлган барча бандлари асосий ҳисобланади. Афсуски, корхоналар баъзан ана шу асосий бандларга етарли эътибор қилмай, натижада талабга жавоб бермайдиган талайгина хўжалик шартномалари тузмоқдалар. Кўпчилик шартномаларда корхоналарнинг ҳуқуқларини бузиш, мажбуриятларнинг ўзаро номувофиқлиги, уларни бажаришнинг муддатларини белгиламаслик каби ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Натижада, айрим корхоналар, айниқса, хорижий корхоналар бундан фойдаланиб, шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаяптилар.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузишнинг аҳволи ўрганиб чиқилганда бир қатор камчиликлар аниқланди. Кўпчилик контрактация шартномаларида хўжаликлар ҳуқуқлари бузилган, мажбуриятлар ўзаро номувофиқ, маҳсулот миқдори, нархи, уни қабул қилишнинг графиги ва муддати белгиланмаган. Айрим шартномаларда томонларнинг имзоси, муҳри қўйилмаган ёки томонларнинг манзили, банк реквизитлари кўрсатилмаган. Гарчи амалдаги қонунчиликда мажбурий қилиб белгиланган бўлсада, айрим шартномалар маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси рўйхатидан ўтмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири, контрактация шартномаларининг эътиборсизлик билан, ҳуқуқий томондан нотўғри тузилаётгани ҳамда жойларда хўжалик раҳбарлари ва ходимларнинг ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслигидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 24 январда қабул қилинган «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони шартнома муносабатларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур ҳужжат маҳсулотларни етказиб бериш ва унинг учун тўланиши лозим бўлган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда шартноманинг бажарилишини таъминлашга қаратилгандир. Қисқача айтганда, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «Иқтисодиётнинг қандай соҳаси ёки тармоғидан қатъий назар, унинг ижросига жавобгар томонларнинг масъулиятини кучайтиришимиз даркор. Шартномаларнинг мақомини кўтаришимиз ва уларга қонуний асос яратишимиз лозим... Шартнома қоғозда қолиб кетмаслиги зарур».

**— Шартнома ва унинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган асосий талаблари нималардан иборат?**

— Ҳақиқатан ҳам, биринчи навбатда, биз шартноманинг моҳиятини тушуниб етишимиз лозим. Шартнома ўзи нима? У қандай тузилиши лозим? У қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади? Маълумки, Фуқаролик кодексида «Шартнома — бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувдир» — деб белгиланган. Бу таърифга кўра, шартнома иштирокчилари ўзаро келишувга асосланиши зарур. Тарафлар ўзаро тенглик тамойилига бўйсунадилар. Шунинг учун шартнома тузишда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат, эркин ҳаракат қилиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчилари бўладилар. Шартнома тузилаётганда бирор бир ташқи тазйиқ бўлмаслиги керак. Янги қабул қилинган Фуқаролик кодексида шартнома тузишнинг асосий қоидалари, шартнома тузиш вақти ва жойи, шартноманинг шаклига қўйиладиган талаблар кўрсатиб берилган. Айрим ҳолларда қонун ҳужжатлари билан шартномага нисбатан маълум талаблар қўйилган бўлиши ёхуд улар учун намунавий шартномалар ёки шартлар ишлаб чиқилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар тузаётган шартномалар ушбу талабларга мувофиқ келиши ёки намунавий шартномалар асосида ишлаб чиқилиши керак. Қолган ҳолларда эса томонлар шартнома тузишда ва унга янги бандлар киритишда эркиндирлар. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, шартнома тузилгандан сўнг тарафлар ўртасида маълум мажбуриятлар вужудга келади. Шу маънода шартнома маълум бир ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган ҳужжатдир.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан талаб қилинадиган шаклдаги келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартнома предмети тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим ҳисобланади. Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) орқали тузилади.

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, улар ҳар қандай битим шаклида тузилиши мумкин. Яъни битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал идора тасдиқлаган) шаклда тузилади. Нотариал идора тасдиқлаши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан кучга киради.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартнома томонларидан биридан чиққанини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа воситаси ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Шартнома тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий ҳисобланади. Шартномани амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузгани учун жавобгарликдан озод қилмайди. Агар фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнмоа ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин: иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, Фуқаролик кодекси ёки қонунда, шунингдек, шартноманинг ўзида назарда тутилган бошқа ҳоллар мавжуд бўлса.

Бир тараф шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олгандан кейингина шартномада белгиланган муддатда, белгиланмаган бўлса, 30 кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Кўп ҳолларда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун вазиятнинг жиддий ўзгариши сабаб бўлади.

**— Бахтиёр ака, янги қабул қилинган Фуқаролик кодексининг шартномавий муносабатларни тартибга солувчи нормалари эски Фуқаролик кодексидан нимаси билан фарқ қилади?**

— Аслида, ҳозирги кунда «эски» фуқаролик кодекси деган тушунча йўқ. Чунки 1963 йил 23 мартда қабул қилинган ҳамда доимий равишда замон талабларидан келиб чиқиб қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилган илгариги Фуқаролик кодекси ҳозирги кунда амалдадир ва ўз кучини йўқотгани йўқ. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қабул қилинган қарорга кўра, янги Фуқаролик кодекси 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради. Янги қабул қилинган Фуқаролик кодекси бевосита бугунги кун талаблари асосида ва жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда чуқурлашиб бораётган бозор муносабатларини ҳуқуқий томондан тартибга солишга қаратилгандир. Биз Фуқаролик кодексини «мулкий муносабатларнинг конституцияси» деб аташга ҳақлидирмиз. Чунки у жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларга ҳуқуқий асос яратувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Жумладан, бугунги мавзудан келиб чиқадиган бўлсак, шартномалар тўғрисидаги умумий ва асосий қоидалар ҳам Фуқаролик кодекси билан тартибга солинган. Шартномавий муносабатларга оид нормалар бўйича янги Фуқаролик кодекси ҳозир амалда бўлган кодексдан, асосан, давр тақозоси билан янги шартнома турларининг кириб келгани ҳамда умуман шартномаларга қўйиладиган талаблар ўзгаргани билан фарқ қилади. Масалан, янги Фуқаролик кодексида шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар ҳамда уларга қўйилган шарт ва талаблар батафсил ёритилган. Шартномаларга оид меъёрлар алоҳида бўлим ва бобларга ажратилган бўлиб, амалдаги кодексдан ҳажми кенглиги ва мазмуни тўла ёритилиши билан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари, янги кодексда шартномаларнинг лизинг, франшизинг, фьючерс каби янги турлари киритилган. Шунингдек, амалдаги кодекс билан тартибга солинадиган шартнома турлари мазмунан кенгайтирилган ва ўзгартирилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги яна алоҳида янги турларга бўлингандир. Булар — олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти, контрактация, энергия тақсимоти, кўчмас мулкни ва корхонани сотиш каби шартномалардир. Олди-сотди шартномасининг контрактация, товарларни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти каби айрим турлари ҳозир амалда бўлган кодексда социалистик тузум талабларига мос ҳолда алоҳида шартнома сифатида берилган эди. Лекин бугунги кунга келиб, уларни алоҳида шартнома тури сифатида бериш бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермай қолди.

**— Лизинг, франшизинг каби шартнома турлари кўпчилик учун янги тушунчадир. Улар бўйича ҳам қисқача маълумот бериб ўтсангиз.**

— Кўплаб ривожланган мамлакатлар қатори бизнинг давлатимизда ҳам лизинг, яъни молия ижараси тушунчаси қонун актида ўз ифодасини топди. Янги қабул қилинган Фуқаролик кодекси бўйича лизинг деб молия ижараси тушунилади. Яъни лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи, бошқача айтганда ижарага берувчи, лизинг олувчи, яъни ижарага олувчи топшириғига биноан, ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш мажбуриятини олади. Кодексда лизинг объектлари ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Яъни истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

Франшизинг шартномаси — бу комплекс тадбиркорлик лицензияси ҳисобланади. Ушбу шартнома тури бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида ҳаётимизга тобора кенг кириб келмоқда. Ушбу шартномага кўра, бир тараф иккинчи тарафга ҳақ эвазига ушбу фирманинг номидан ҳамда бошқа тижорат ахборотидан, бошқача айтганда, мутлақ ҳуқуқларга тегишли объектлардан (товар белгиси, ихтиролар) тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини беришдир. Янада аниқроқ айтсак, бу интеллектуал мулкдан фойдаланишдир. Яъни бир шахс иккинчи бир шахснинг обрўсидан, тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян ҳажмда ва муайян соҳада фойдаланишни назарда тутади. Ушбу шартноманинг тарафлари бўлиб фақатгина тижорат ташкилотлари ҳамда тадбиркор сифатида рўйхатга олинган фуқароларгина иштирок этиши мумкин. Франшизинг шартномаси ёзма равишда тузилиши ҳамда фойдаланишга бераётган тараф қайд этилган орган томонидан рўйхатга олиниши лозим. Ушбу қоидага риоя қилинмаса шартнома ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

**Б. ИМОМОВ**
**суҳбатлашди.**

## *Ҳамкорлик робиталари: Ўзбекистон--Япония*



# «УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЎХШАР ЭКАН»

***Япониялик ёш мутахассис Кэндзо Кавасаки мамлакатимизга ташриф буюрганига бир неча йил бўлди. Айни пайтда у Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг аспиранти. У шундай ҳикоя қилади:***

— Ҳамкорлигимиз тарихи жуда қизиқ, — дейди у. — Токиодаги Сока университети асосчиси доктор Икэда Дайсаку 1969 йилдаёқ Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича археологик экспедиция уюштириш ҳақида таклиф киритган эди. Бир йилдан сўнг, талабаларнинг Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича тўгараги ташкил этилди. Тўгарак аъзолари буддизм тарихини ўрганиш асосида унинг дастурини кенгайтириб, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ҳамда Ўрта Осиёдаги археологик ёдгорликларни ўрганишга киришдилар. Шу йўсин бир қанча мамлакатларда ўтказилган археологик изланишларда талабалар ҳам қатнаша бошлади. Сафар натижалари эса тўгаракнинг йиллик «Ипак йўли» журналида чоп этилиб турди.

1988 йилда университетнинг филология факультетида ижтимоий фанлар бўлими ташкил қилинди. Мен бу бўлимда Ўрта Осиё тарихи бўйича ихтисос олганман. Профессор Като Кюдзо ҳам Осака миллий музейидан дорилфунунга ишга ўтгач, бизда университет асосчиси орзусини амалга ошириш учун ҳақиқий археологик экспедиция тузиш имкони яратилди. Чунки профессор бизга ҳар доим Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ўрганиш учун, албатта, ўзларингиз бу минтақада бўлишингиз шарт, деб насиҳат қиларди. Тошкентдаги санъатшунослик институти билан илмий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилгач, амалий ишга киришилди. 1989-1993 йилларда Япониядан Ўзбекистонга учта экспедиция юборилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган йили устозимиз билан республикангизга келдим. Ўшанда Далварзинтепага уюштирилган иккинчи экспедицияда қатнашиш насиб этганди. Гарчи бу экспедиция атиги бир ойгина давом этган бўлса-да, биз бу ерда яшовчи аҳоли билан, уларнинг маданияти, урф-одатлари билан танишиб улгурдик. Шундан сўнг, менда Ўзбекистонда қолиб ўқиш ва Далварзинтепа ёдгорликлари билан жиддий шуғулланиш истаги пайдо бўлди. Сафаримизнинг сўнгги куни устозим, профессор Като ва экспедиция раҳбари Баҳодир Турғуновга мақсадимни билдирдим. Фикрим маъқул тушди ва уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли, кейинги йили университетни тугатиб, яна Ўзбекистонга қайтиб келдим.

Дастлаб Тошкент давлат Шарқшунослик институтида стажировкада бўлиб, рус тилини ўргандим. Кейин икки йил шу ерда япон тилидан дарс бердим. Ана шу йиллар мобайнида бир неча марта археологик экспедицияларда ҳам иштирок этдим. Ўтган йили санъатшунослик институти аспирантурасига кирдим. Ҳозир «Шимолий Бақтрия-Тохаристонда будда санъати» мавзуида диссертация ёзяпман. Бу ишда менга ўзбекистонлик олимлар Г. Пугаченкова ва Б. Турғунов раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон жанубидаги будда ёдгорликларига японияликларнинг қизиқиши катта. Чунки биз тарихдан Ўрта Осиёда қачонлардир будда маданияти гуллаб-яшнаганини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам буддизмнинг Шарққа тарқалиш тарихини ўрганиш учун бу минтақада қазилма ишларини янада ривожлантириш керак. Тўрт йил ичида серқуёш юртингизга, унинг одамларига шу қадар ўрганиб қолдимки, ҳаётимни уларсиз тасаввур қилолмайман. Фан тараққиётига эътибор зўрлиги, соҳа билимдонларининг меҳрибонлиги мени ҳайратга солмоқда. Биласизми, ўзбекларнинг одатлари японларникига жуда ўхшар экан, айниқса, кексаларнинг улуғланиши, маънавиятга катта аҳамият берилиши менда кучли таассурот қолдиряпти ва ўзимни худди уйимдагидек ҳис этаяпман. Илмий ишимни ёқлаб, фан номзоди бўлганимдан кейин ҳам Ўзбекистонда яна тўрт-беш йилга қолиб ишлаш ниятим бор. Мақсадим, Далварзинтепадаги будда эҳромини қазиш ишларида иштирок этиш.

**Б. МАНСУРОВ**
**ёзиб олди.**
**(ЎзА).**

## ҲАММА БАҲРАМАНД БЎЛМОҚДА

Навоий туманидаги «Доришунос» фирмаси ишидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Фирма ташкил этилгандан буён ўтган икки ой мобайнида турли шифобахш ўсимликлардан бир миллион сўмликдан зиёд дори-дармон тайёрланди. Улардан навбаҳорликларгина эмас, балки олис Қизилқумда жойлашган вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

## «БЎСТОН» ҲАҚИҚИЙ БЎСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

Элликқалъа тумани маркази -- Бўстон йил сайин ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб, энг файзли шаҳарлардан бирига айланмоқда.

Фақат кейинги йилларда бу ерда ўнлаб янги кўчалар, улуғвор майдонлар ва кўркам хиёбонлар барпо этилиб, юзлаб хонадонлар янги уйларга кўчиб ўтди.

Ана шу хайрли ишларни амалга оширишда «Бўстонсувқурилиш» бирлашмасига қарашли 2-кўчма механизациялашган жамланма қурувчиларининг улуши беқиёс. Айни кунларда улар шаҳар марказида «Супермаркет» дўкони биносини белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

## «КАМАЛАК» АКЦИЯЛАРИ...

**миллион сўмлик сотилди**

Вилоятнинг ўнлаб ташкилотлари, хўжаликлар ва муассасалар ўзларининг ишлаб чиқариш илғорларига, узоқ ва самарали меҳнат қилган ходимларига «Камалак» хусусийлаштириш инвестиция фонди акцияларини сотиб олишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Аҳолининг кўпчилик қисми ҳам мазкур қимматбаҳо қоғозлар мўмай даромад эгаси бўлиш учун энг ишончли кафолат эканини тушиниб етмоқда. Дарҳақиқат, битта акция сотиб олган кишининг олтита акцияга тўланадиган миқдорда дивидент олиши кўзда тутилмоқда.

«Камалак» хусусийлаштириш инвестиция фонди кузатув кенгашининг раиси Набижон Мамарасуловнинг айтишича, ҳозирга қадар андижонликлар «Камалак»нинг 1 миллион сўмликка яқин акцияларини харид қилдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕМИР ВАЛЕНТИНОВИЧ ЦОЙ

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог, давлат мукофоти лауреати, руда геологияси соҳасидаги йирик мутахассис Ремир Валентинович Цой оғир касалликдан сўнг 5 декабрь куни 62 ёшида вафот этди.

У Ўзбекистон минерал-хомашё базасини ривожлантиришга, уни ўзлаштириш учун хорижий сармояни жалб этишга, Мурунтов, Кўкпатос, Довгизтов каби ва бошқа қимматбаҳо, рангли ва нодир металларнинг ноёб конларини қидириш ва очишга, олтин қазиб чиқариш саноати учун қудратли базани яратишга катта ҳисса қўшди.

Р. В. Цой Ўзбекистонга меҳр қўйган эди ва ўзининг бутун онгли ҳаётини унинг ер ости бойликларини ўрганишга бағишлади. Унинг меҳнат борасидаги хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Ажойиб инсон, истеъдодли геолог Ремир Валентинович Цойнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**




ТАШКИЛОТ
КАЛЬЦИЙ КАРБИДИ
ишлаб чиқаришга мослаштирилган ихчам қурилма сотади.
ТЕЛЕФОНЛАР:
(3712) 98-47-62, 96-85-61
исталган вақтда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Халил Жалиловга турмуш ўртоғи

**Вера МИХАЙЛОВНА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси, қишлоқ хўжалиги бўлимининг бош мутахассиси

**Александр СОРОКИН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

